



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 7 декабрь, № 261 (8041)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 5-6 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлди.



Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 декабрь куни бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Нур-Султон шаҳридаги "Отан қорғаушлар" ("Ватан ҳимоячилари") монументига гул қўйди.

Оқурда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва

Қосим-Жомарт Тоқаев фахрий қорувул олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Самимият ва ишонч руҳида ўтган учрашувда етакчилар кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон шериклигига доир кенг кўламли масалаларни, шу жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кўриб чиқдилар, халқаро ва минтақа кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбарини ташрифи билан қутлаб, Президент сайловида ишончли галаба қозонгани билан яна бир бор табриклади ва келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади, ушбу учрашувнинг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Сиз Қозоғистонга давлат ташрифи билан келганингиздан жуда мамнунмиз. Ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда ушбу воқеа жуда муҳим. Бугун имзоландиган ҳужжатлар шериклигимизга қўшимча суръат бағишлайди. Мамлакатларимиз ҳукуматларига белгиланган мақсадларга

эришиш учун саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш топширигини бердик. Ўйлаймизки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, — деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Президентимиз таклиф учун миқнатдорлик билдириб, ушбу учрашув Қозоғистон мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида ўтаётганини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон халқи номидан биродар қозоқ халқини ушбу қутлуг сана билан самимий табриклади, тинчлик-осойишталик, раванқ ва янги зафарлар тилади.

Биринчи Президент — Элбоши Нурсултон Назарбоев бошлаган катта бунёдкорлик ишлари бугунги кунда Қосим-Жомарт Тоқаев раҳбарлигида давом эттириляётгани ва Қозоғистон барқарор тараққиёт йўлидан дадил бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси икки биродар давлат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг ривожланиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон — табиий иқтисодий ҳамкорлар. Иқтисодийларимиз

рақобат қилмайди, бир-бирини тўлдириб туради. Ўзаро савдо ортмоқда. Жорий йилда товар айирбошлаш рекорд даража — 4 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Автомобилда ва темир йўллари орқали юк ташини ҳамкорлик ошмоқда. Авиакатновлар тўлиқ қайта тикланди, янги йўналишлар очилмоқда. Етакчи корхоналаримиз кооперацияни муваффақиятли кенгайтирмоқда. Кейинги йилларда иқтисодийнинг деярли барча тармоқларида қўшма корхона ва лойиҳалар сони 6 баробарга ошди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, бунда мамлакатларимиз худудлари ва тадбиркорлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Туркистон шаҳрида Бош вазирлар раислигида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Худудлар форуми ўтди. Куни кеча Қозоғистон пойтахтида қўшма бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди. Ушбу тадбирлар натижасида жами 6 миллиард долларлик келишув ва шартномалар имзоланди.

Кейинги йилларда қўшма корхоналар сони 6 баробарга ошди. Костанайда автомобиль, автобус ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Туркистон ва Чимкентда замонавий тўқимачилик ва маший техника корхоналари ишга туширилди. Ўзбекистонда қозоғистонлик ҳамкорлар билан биргаликда энергетика, саннат, кимё, озик-овқат тармоқлари, қурилиш соҳасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Пандемия даврида биродар халқларимиз бир-бирига ёрдам бериб келди.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Қайта тикланган Тошкент халқаро кинофестивали доирасида Қозоқ киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди. Шу ҳафта Қозоғистон пойтахтида Ўзбек киноси кунлари бўлиб ўтди.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари ўз самарасини кўрсатди. Очик ва ишончли мулоқот учун ноёб майдон шаклланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИХТ, Туркий тилли давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

— Бугун икки томонлама стратегик шериклигимизни иттифоқчилик муносабатлари даражасига кўтариш тўғрисида тарихий қарор қабул қиламиз. Бу нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг ички тараққиёти, барқарорлиги ва раванқи учун улкан аҳамиятга эга бўлади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Етакчилар минтақа ва халқаро кун тартибининг томонларни қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини яна бир бор таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустақам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, биродар қирғиз халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Етакчилар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Турли даражалардаги конструктив мулоқот ва фаол алмашинувлари давом эттириш, товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, машинасозлик, энергетика ва электротехника тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳаларда муҳим кооперация лойиҳаларини биргаликда илгари суриш муҳимлиги қайд этилди. Бизнес ва худудлар даражасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақа кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек илқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ БЎЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5-6 декабрь кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев билан музокаралари якунлари халқаро экспертлар ва таҳлилий доиралар вакиллари томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилди.



Илгар Велизаде, «Жанубий Кавказ» сиёсатшунослари клуби раҳбари (Озарбайжон):

— Ўзбекистон — Қозоғистон мулоқоти Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимининг тамал тоши, мустаҳкамловчи асоси ҳисобланади.

Минтақавий ялпи ички маҳсулотнинг асосий улушига эга бўлган ушбу давлатлар худудиди Марказий Осиё аҳолисининг учдан икки қисмидан кўпроги истиқомат қилади.

Шу сабабли Марказий Осиё интеграцияси вектори ва минтақадаги гео-

сиёсий иқлим Тошкент ва Нур-Султоннинг ўзаро муносабатларига, улар юрифтаётган сиёсатнинг ўзаро мувофиқлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти томонидан Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш так-

лиф этилганида, мазкур ташаббус Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев томонидан қўллаб-қувватлангани ва Қозоғистон пойтахтида ана шундай шаклдаги дастлабки анжуман ўтказилганини эслаш лозим.

Биргаликдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таътиқ қилиш икки мамлакат ҳамкорлигининг асосини ташкил этади. Албатта, минтақа ва дунёдаги тез ўзгаришчан геосиёсий вазиятда бундай уч-

рашувларга эҳтиёж сезиларли даражада ортади.

Бу галги саммит кун тартибига сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни, авваломбор, амалий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодийнинг турли тармоқларида самарали лойиҳаларни бажариш, гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришга доир кенг кўламли масалалар киритилгани ҳам тасдиқ бўлмади.



### БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС ҒОЛИБЛАРИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан ташкил этилган "Маҳалла — беш ташаббус бешиги" кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

#### Кўрик-танлов

Унда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла тизимига бўлган эътибор кучайди. Натижада тизим ташкилий-ҳуқуқий асоси тақомиллаштирилди ҳамда фуқаро-

ролар йиғинлари ваколатлари кенгайтирилди. Шуларга мос равишда юртимиздаги мавжуд 9 мингдан зиёд маҳаллаларни комплекс ривожлантириш мақсадида "Обод маҳалла" ҳамда

"Обод қишлоқ" дастурлари доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун маҳалла ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини намойён этмоқда. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни тўлиқ рўёбга чиқаришда ҳам мазкур тузилманинг ўрни беқийёс.



### МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллигига бағишлаб "Миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланишида Конституциянинг ўрни" мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

#### Анжуман

Парламент конференциясида депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университетининг про-

фессор-ўқитувчилари, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти вакиллари, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда талабалар иштирок этди.



# ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давами. Бошланғич 1-бетда).

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада мустақамлашнинг истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар. Савдо-иқтисодий ҳамкорлини кенгайтириш, жумладан, ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт ва логистика, энергетика, сув ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги қўшма саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларига устувор аҳамият қаратилди. Худудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувларни жадаллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Шунингдек, глобал ва минтақа кун тартибига турган ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Ўзбекистон халқларимиз ўртасидаги самимий биродарлик муносабатларини юксак кадрларини таъкидлади.

— Бугун тарихий қарор қабул қилганимиз, ҳамкорлигимизни иттифоқчилик муносабатлари даражасига кўтарганимиз. Кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнчилик, ўзаро ишонч ва кенг қўламли шериклигини янада мустақамлаш йўлидаги интилишимиз қатъий. Бунинг учун барча имконият ва ресурсларни ишга соламиз. Мақсадимиз — биродар халқларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлигини аниқ мазмун билан бойитиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Икки мамлакат етакчилари стратегик шериклини янада мустақамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг Давлатлараро Олий Кенгаши, Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ва Ташқи ишлар вазирлари кенгашини таъсис этишга келишиб олдилар.

Музокаралар чоғида икки томонлама ҳамкорлигининг янги “ўсиш нуқталари”, устувор йўналишлари ва муҳим вазифалари белгилаб олинди.

Учинчи мамлакатлардан импорт қиланган маҳсулотлар ўрнини босиб орқали зарур маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш номенклатураси ва ҳажминини салмоқли даражада кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Товар айирбошлаш микдори жадал суръатда ошаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Томонлар иқтисодийнинг турли соҳаларида янги қўшма корхоналар ташкил этиш орқали ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Инвестицияларни жалб қилиш, саноят кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қурилиш соҳалари устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Саноят кооперацияси бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди. Машинасозлик, энергетика, электротехника, кимё, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда муваффақиятли лойиҳалар кўп. Эндиликда қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа устувор соҳаларда янги йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, қуни кеча ишбилармон доиралар иштирокида ўтказилган тадбирларда умумий қиймати икки миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳалари тайёрланди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларга қўшим-

ча суръат бағишлаш мақсадида саноят кооперацияси бўйича қўшма халқаро марказ ташкил этилади.

Худудлараро алоқалар ҳамкорликини кенгайтиришда драйвер бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, яқинда ўтган Худудлар форуми натижасида қатор келишув ва савдо шартномалари имзоланди.

Икки мамлакатнинг чегараолди худудларига ўзаро маҳсулот етказиб бериш ва янги кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқишда янада яқиндан ҳамкорлик қилишга топшириқ берилди.

Транспорт соҳаси муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Автомобилда ва темир йўл орқали юк ташини ҳажми ортиб бормоқда. Мамлакатлар ўртасидаги авиақатновлар тўлиқ тикланди, янги йўналишлар очилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ва учинчи давлатлар бозорларига чиқилиши таъминлайдиган янги йўлақларни шакллантириш муҳим эканини қайд этди. Етакчилар Учқудуқ — Қизилўрда темир ва автомобиль йўлини ҳамда Туркистон — Чимкент — Тошкент юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган темир йўл қурилиш лойиҳаларини жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шу мақсадда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барқарор, узоқ мuddатли механизмларини ишлаб чиқиш ва икки мамлакат ўртасида сув муносабатларининг барча йўналишларига оид тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳ фаолиятини давом эттиришга келишиб олинди. Сув тежайдиган янги технологияларни жадал жорий этиш бўйича биргаликда амалий ишлаш, Оролбўйида даракторлар барпо этиш борадида қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатлар ва минтақавий яқинлашув гоёларини илгари сурган ҳолда ташқи сиёсат соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Президентлар Марказий Осиё етказиб бериш мақсадида қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Гуманитар алмашинувларни кенгайтириш, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустақамлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Қозоғистон Президенти халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва кўп асрлик дўстлиги рамиз сифатида Нур-Султон шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилишини таъкидлади.

Самарали музокаралардан сўнг ҳужжатлар имзоланган маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Ҳужжатда қардош халқларимизнинг ҳаётини муҳим ва узоқ мuddатли миллий манфаатлари, кўп қиррали шериклик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсади ўз ифодасини топган.

Маросимда имзоланган яна бир муҳим ҳужжат янги 5 йилда Ўзбекистон ва

Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлашни 10 миллиардга етказиш бўйича Амалий ҳаракатлар режасидир. Унда икки мамлакат тармоқлари ва худудлари учун қулай шартнолар яратиш кўзда тутилган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида ҳужжатлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Божхона, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартафат этиш, фазовий маконни тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасига доир ҳамда “Марказий Осиё” саноят кооперацияси халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар шулар жумласидан. Шунингдек, савдо, инвестициялар, энергетика, транспорт коммуникациялари, суд-экспертлик фаолияти, муҳофаза, бандлик ва фан соҳаларида ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича тегишли ҳужжатларга имзо чекилди.

Тошкент ва Туркистон вилоятлари, Тошкент ва Нур-Султон шаҳарлари, Навоий ва Қизилўрда вилоятлари ҳокимликлари ўртасида ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харита”лари қабул қилинди.

Умуман, кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини қамраб олган 22 та ҳужжат имзоланди.

Давлат ташифининг асосий тадбирларидан сўнг ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президентлар ҳар доимгидек очик, ишончли ва ишанч муҳитда ўтган музокаралар натижаларидан мамнунлигини билдирдилар.

Хусусан, музокараларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни икки томонлама ва минтақа кун тартибига барча йўналишларда янада ривожлантириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев ўз баёноти аввалида Қозоғистон халқини мустақилликнинг 30 йиллиги билан яна бир бор табриқлади.

Кейинги йилларда дўстлик, яхши қўшнчилик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида улкан ўзгаришлар рўй бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси бугун тарихий қарор қабул қилиниб, икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчилик муносабатлари даражасига кўтарилгани, бу биродар халқларимизнинг узоқ мuddатли манфаатларидан келиб чиқиб, уларга тўлиқ мос эканини қайд этди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлиги замирида бир-биримизни тўлдириб туриш борасидаги улкан салоҳиятдан фойдаланишга интилиш ҳам мавжуд. Биз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва янги ўсиш нуқталарини излаш ниятидамыз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Икки томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналиши — савдо-иқтисодий ҳамкорликда эришилаётган натижалар мамнуният билан қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришни кенгайтириш мақсадида томонлар агрокластерлар, улғурчи-тақсимлаш ва логистика марказларини ташкил этишга, “Агроэкспресс” лойиҳасини илгари суршига келишиб олганликлари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистонда саноят, энергетика, кимё, қурилиш, банк ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Таширф

арафасида ўтказилган ишбилармонлик тадбирлари якунида қиймати 6 миллиард долларга яқин бўлган янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

— Бундай кўрсаткичлар аввал бўлмаган. Қолаверса, барчаси қатъий келишувлар, улар истиқболга яхши замин яратди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар “ашил энергетика” лойиҳаларини фаол илгари суршига, энг янги сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, Оролбўйида даракторлар яратиш борасида биргаликда ишлаш ва халқаро донорлар билан ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Брифингда маданият, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида эришилган келишувлар ҳам қайд этилди.

— Бугунги мураккаб ва зиддиятли замонда одамлар онги ва қалбига, айниқса, ёш авлодга ижобий таъсир қўратувчи маданият ва маънавиятнинг аҳамияти ортиб бормоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан музокараларда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва Ўзбекистонда Қозоғистон йили тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб бориш юзасидан келишувга эришилди. Келгуси йилда юртимизда биринчи Ёшлар конгресси ҳамда Ижодий ва илмий зиялилар форуми ташкил этиладиган бўлди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда саккиз оғ миллиондан зиёд қозоқ миллигига мансуб фуқаролар истиқомат қилмоқда. Улар миллий маданияти, тили ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Тўрт юзга яқин мактабда ўқитиш қозоқ тилида олиб бориюмоқда.

Мана, ўттиз йилдики, Ўзбекистонда Қозоқ миллий маданият маркази ва унинг саккизта худудий бўлиналари фаол ишлаб турибди.

— Қозоқ юртоқдошларимиз ўрасида Ўзбекистон Қадрамони юксак уновнига ва бошқа давлат муқофотларига сазовор бўлганлар, сенатор ҳамда депутатлар, вазир ва генераллар, йирик корхоналар раҳбарлари борлигидан фахрланамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини келгуси йилда кенг нишонлаш мақсадида тегишли дастур қабул қилишга келишиб олдилар.

Минтақавий ва халқаро майдондаги ҳамкорлик масалаларига тўхталиб ўтилган, Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидек самарали платформани яратишга муваффақ бўлингани, унинг доирасида умумий йўналишдаги комплекс ривожлантириш йўллари белгиланаётганини алоҳида қайд этди.

Музокараларда минтақамизда ҳавфсизлик ва барқарорлик таъминлаш, энг аввало, қўшни Афғонистондаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда қарши куралиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистон позициялари тўлиқ мос экани тасдиқланди.

Мамлакатимиз Қозоғистоннинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги доирасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Қозоғистон эса Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

— Ушбу таширф доирасида салмоқли ҳужжатлар тўпламини имзоладик. Ишончимиз ва шериклигимиз жуда юксак даражага чиққанидан, биргаликда ҳаракат қилиб, ҳар томонлама қўмақдош бўлишга тайёр эканимиздан далолат берувчи Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация улар орасида энг асосийси. Биз икки қардош халқларнинг раванқи йўлида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнчилик ва кенг қўламли ҳамкорликни мустақамлашнинг қатъий тарафдоримиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Президент Қосим-Жомарт Тоқаев ҳам кенг доирадаги масалалар юзасидан фикр алмашилган музокаралар якунидан мамнунлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти Ўзига қулай вақтда таширф билан Ўзбекистонга келишга таклиф қилди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақил Қозоғистон асосининг улкан хизматлари эътирофи сифатида декабрь ойининг биринчи санасида нишонланадиган байрам — Биринчи Президент кўни билан самимий кутилди.

Мамлакатимиз етакчиси Нурсултон Назарбоевнинг чўқур уйланган сиёсати тўғрисида Қозоғистон халқи ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида юксак муваффақиятларга эришганини таъкидлади.

Президентимиз Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ривожига Ўзбекистоннинг шахсий ҳиссасини юқори баҳолади. Бугун Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация имзолангани мулоқотларни фаоллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Учрашувда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё маконида сиёсий мулоқот фаоллашган, Маслаҳат учрашувлари механизми йўлга қўйилгани, дўстлик ва ишонч муҳити шаклланиши таъкидланди.

Нурсултон Назарбоев бу галги давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Сўнг Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти музейга таширф буюрди.

Бу ерда Назарбоевнинг иш хоналари асл ҳолича сақлаб қолинган. Йигиллилар ва журналистлар билан учрашувлар ўтказилган мажлислар залида замонавий Қозоғистоннинг тараққиёт йўлига бағишланган экзпозиция жойлашган. Қўллаб-қувватлаётган Қозоғистоннинг хорижий ҳамкорлар билан ташқи сиёсий алоқаларидан сўзланди.

Давлатимиз раҳбари музей билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдири.

Ўзбекистон Президентининг давлат таширфи доирасида Нур-Султон шаҳрида мамлакатимиз элчихонаси янги биносини очилиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев раъсий боғични кесиб, янги бинони тантанали равишда очдилар.

Икки мамлакатнинг давлат маҳдумлари янгради.

Президентлар элчихонада яратилган шарафлар билан танишди.

Замонавий бино юртимиз курувчилари томонидан барпо этилган. Хоналар миллий услубда безатилган.

Дипломатик ваколатхона худудида асосий бино, консуллик бўлими, ходимлар учун уй, дипломатик миссия раҳбарининг қароғоҳи, болалар ва спорт майдончалари жойлашган.

Музокара хоналари, анжуманлар залида барча шароит мавжуд. Элчихонанинг ўз кутубхонаси ҳам бор.

Иш жараёнларини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган, ахборот технологиялари кенг жорий қилинган. Бу ердаги интерфаол ускуналар музокараларни онлайн шаклда ўтказиш имконини беради. Консуллик фаолияти учун “электрон навбат” тизими ўрнатилган, бу ерга келувчилар маълумотларни интерфаол тарзда олиш имкониятига эга.

Алоҳида эътиҳиб одамлар учун ҳам зарур шартнолар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, янги элчихона биносида барчаси иш сифати ва самараси юқори бўлишига, қардош мамлакат билан шериклиқни янада кенгайтиришга қаратилган.

Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев элчихонанинг Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Бош вазири Аскар Мамин ҳамроҳлигида Нур-Султон шаҳрида ЕХРО ишбилармонлик марказида жойлашган Рақамли ҳукумат офисига таширф буюрди.

Ушбу муассаса жорий йил сентябрь ойида очилган. Унинг таркибига Миллий таҳлил маркази, Рақамли трансформация маркази ва Миллий лойиҳа офиси кирди.

Давлатимиз раҳбари ситуациядан марказ имкониятлари билан ҳам танишди. Марказ барча маълумотлар базаларига ҳамкорлик қилади, бу эса реал вазиятнинг онлайн равишда кўриш, масалан, мамлакатда эмлаш суръатлари тўғрисидаги маълумотларни кузатиб бориш имконини беради.

Ички ва ташқи савдо бўйича таҳлилий платформа имкониятлари намойиш қилинди. Унинг ёрдамида озиқ-овқат нархларини онлайн равишда мониторинг қилиш ва нарх-навонинг прогноз кўрсаткичларини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, офис негизда инновациялар ва аэрокосмик саноят соҳаларидаги лойиҳалар ишга туширилади.

Офис мутасаддиси Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш, IT-парклар ташкил этиш, дастурчилар тайёрлаш, давлат хизматларини онлайн кўрсатиш бўйича қилнаётган ишларни эътироф этиб, Қозоғистон ҳам шу йўлдан бораётганини айтди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада тажриба алмашши, давлат хизматлари соҳасига сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, ҳар бир ҳаётини вазиятни таҳлил қилиб, одамларга қулайлик яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат таширфи якунланди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ БЎЛДИ

Томонлар барча долзарб мавзуларни батафсил муҳокама қилди, нафақат ўзаро ҳамкорлик, балки халқаро майдонда манфаатларни биргаликда илгари сурши нуқтаи назаридан ҳам истиқболдаги ҳамкорлик-

нинг асосий йўналишларини белгилаб олди. Шу ўринда Афғонистон муаммосини ҳал этиш, минтақада қуроли мोजоралар ва бошқа гумхунтар инқирозларнинг олдини оладиган муҳитни яратиш мавзусига алоҳида эътибор қаратилди.

### ЧЕ ЁН ХА, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СОБИК ЭЛЧИСИ:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат таширфи Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик мулоқотини янада мустақамлаш, томонларнинг ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка қаратилган фаол ташқи сиёсатини давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг яхши қўшнчилик муносабатларини мустақамлаш истаги юксак эътирофга сазовор, бинобарин, бу нафақат икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, балки Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар келажаги учун жуда аҳамиятлидир.

Икки давлат сўнгги йилларда турли соҳаларда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Пандемиянинг глобал иқтисодий оқибатларига қарама-дан, мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми жорий йил бошидан буён қарий 40 фоиз-

га ошди ва 2021 йил охирига қадар икки томонлама савдо алоқалари бўйича рекорд кўрсаткич — 4 миллиард долларга етиши кутулкида.

Бу галги таширф ва унинг доирасида ўтказилган музокаралар ўзаро муносабатларни янги, янада юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

Таширф арафасида Нур-Султон шаҳрида Ўзбекистон-Қозоғистон бизнес форуми ва Ишбилармонлар кенгашининг кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди, унда икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида саноят ҳамкорлигини янада ривожлантириш, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётининг қийёси устуникларини ҳисобга олган ҳолда узулуксиз қиймат занжирларини шакллантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Республикалар иқтисодиёти барқарор ўсишни намойиш этмоқда. Бу ҳолат икки давлат-



нинг географик яқинлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар тақдим этди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти ҳисобига қайта сайлангандан сўнг икки давлат раҳбарларининг илк учрашуви, таширф яқунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш йўлида муҳим қадам бўлиши билан бирга минтақадаги интеграция жараёнлари ривожига ҳам хизмат қилади.

«Дунё» АА.

## УСТУВОР МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Ўзбек ва қозоқ халқлари нафақат географик, балки тарихий ва маънавий яқин халқлар саналади. Бу икки халқнинг қавму қариндошлик, дўсту биродарлик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

### Муносабат

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон давлатлари ўртасида дўстона қўшнчилик ва стратегик ҳамкорлик тили, дини, урф-одати, адабиёти, маданиятлари муштараклигига таянган ҳолда изчил раванқ топмоқда. Олий ва юқори даражадада ўтказилган мунтазам тадбирлар тўғрисидаги ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун мулқлақ янги сиёсий иқлим, дўстона муҳит ва қулай шартнолар яратилди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда 800 мингдан ортиқ қозоқ миллигига мансуб юртоқдошларимиз истиқомат қилади. Қозоғистондаги ўзбеклар жамоаси эса 600 мингдан

# БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС ҒОЛИБЛАРИ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Парламент юқори палатаси томонидан илк бор ўтказилган мажлис куриқчилик ва шунинг ўзига хос эътирофи бўлди.

Танловдан мақсад беш муҳим ташаббусни амалга оширишда фаоллик кўрсатаётган маҳаллаларни моддий, маънавий рағбатлантиришдан ташқари, ёшларнинг мусика, расомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини янада ошириш, спорт билан шугулланишлари учун зарур шароит яратиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, китобхон-

лиқни кенг тарғиб қилиш ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларига қўмақлашдан иборат бўлиб, кўрик якунлари бўйича айтадиган бўлсак, бунга муайян даражада эришилди.

Буни танловнинг туман-шаҳарлар босқичида 1 минг 35 та, ҳудуд босқичида эса 207 та маҳалла иштирок этгани ва уларда 62 минг 500 нафардан зиёд ёшлар қамраб олингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Танловнинг республика босқичида ҳудудларда ғолиб бўлган жамоалар ўзаро баҳс олиб боришган. Эътиборлиси, ғолибларни аниқлашда Республика комиссияси аъзо-



лари томонидан беш муҳим ташаббус бўйича қабул қилинган тегишли ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси, уларнинг мазмун-моҳияти аҳолига нечоғли етказилганлиги ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари қандай йўлга қўйилганлиги асосий мезонлар қилиб олинган.

Шундай қилиб ғолиблар аниқланди. Комиссия ҳулосасига кўра, кўрик-танловнинг республика бос-

қичида Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги "Шодиёна" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринчи қўлга киритди. Ғолиб маҳалла "DAMAS" автомобили, IT йўналиши ўқув курси учун сертификат (15 кишилик) билан тақдирланди. Сенат Раиси Танзила Норматова маҳалла йиғини вакилларига совринларни топширди.

Кейинги ўринлар Кармана туманидаги "Дўрмон" ва Урганч туманидаги "Бақайлар" маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди. Улар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Шунингдек, ҳар бир ташаббус бўйича ғолиблар аниқланди, ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан тақдирланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

Сироқиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## МАМЛАКАТ ВА САНОАТ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ПЎЙДЕВОРИ

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай жамият тараққиётида энг муҳим омиллардан саналади. Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият, деб белгиланган. Бу борда олиб борилаётган изчил ишохотлар ўзининг ижобий натижасини бераётди.



бандлиқни оширишдаги яна бир муҳим ҳусуфияти қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишдаги фаоллиги ҳисобига юзага чиқади. Яъни қайта ишловчи корхоналарнинг кўпайгани ва қўшимча қиймат органи сари саноатда ҳам банд бўлган ходимлар сони ортаверди.

Бундан кўра, қўшимча қиймат ва қайта ишлашнинг ўсиши билан саноатда банд бўлган ходимлар сонининг ўзгариши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Саноат жаҳон иқтисодиётида иштирок этаётган давлатлар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради.

Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурслари, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имконияти юзага келади. Бу, ўз навбатида, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган қиммат, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машина-созлик, металлургия қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, энгил ва озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ҳамда бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантиришни талаб этади.

Агар мисолларга эътибор қаратилса, қурилиш, транспорт, энергетика, уй-жой коммунал, геология, савдо-саноат каби соҳаларга оид 15 дан ортиқ қўнлар қабул қилинганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги, "Транспорт тўғрисида"ги, "Қимматбаҳо металлургия ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги қўнлар бугун соҳа ривожига хизмат қилаётди.

Чунки, саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Сабаби саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни, юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Бошқача айтганда, саноат тармоқининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суруятлар билан ривожланишига олиб келади.

Шунингдек, саноат соҳасида қазиб олинган, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, асортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялаш жараёнлари тақдимланади. Саноат тармоғи йиллик ишлаб чиқариш институти бўлиши билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Саноат тармоқининг иш билан таъминлаш, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, асортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялаш жараёнлари тақдимланади. Саноат тармоғи йиллик ишлаб чиқариш институти бўлиши билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Ваҳобжон МУРОТҚУЛОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси.**

## АСАКАЛИК ТОМОРҚАЧИ ҲАР ОЙ 18 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД ТОПМОҚДА

Томорқа, ернинг "тили"ни билган, изланган ва меҳнатда тобланган оила эгалари учун чиндан ҳам мўймай даромад манбаи эканини Рустам Мусаев виллоятнинг Асака туманидаги Отиш маҳалласида яшовчи Рустам Мусаев мисолида яққол кўриш мумкин.

### Интилиш

У хонадонидида 3 сотих майдонда ташкил этган иссиқхонада қулпунга етиштирилган, ҳар ойда 18 миллион сўм даромад топаётгани, бу асло муболага эмас.

— "Рудбин" навли қулпунга етиштириб, ҳар уч кунда ҳосил йиғамиз, — дейди Рустам Мусаев. — Қолаверса, 2 сотих ерда ушбу резавор мева қўчатини етиштирамиз. Қаранг, ҳосилини ҳам, қўчатини ҳам турли вилоятлардан келиб уйдан харид қилиб кетишяпти.

**Саминжон ҲУСАНОВ**  
(«Халқ сўзи»).

Э ЎЛОН

## ЭНГ ЯХШИ ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР ЭЪТИРОФИ

Матбуот — ҳаётнинг маънавий кўзгуси. Унинг бошқа ахборот воситаларидан ажралиб турадиган жиҳати борки, бу воқеалар жараёнини авлодлардан-авлодларга етказувчи тарихий манбалигидир. Шу маънода, матбуот нафақат бугунги кун панорамасини тўлиқ кўриш ва кузатиш, балки келгусидаги истиқболни ҳам яққол тасаввур қилишга ёрдам беради.

### Танлов

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги олдидан "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари тахририяти томонидан "Энг яхши мақолалар" танлови эълон қилинган эди. Унда ижодкорлар, ёзувчи-ноширлар, журналистлар, профессор-ўқитувчилар, ёшлар ўзларининг ижодий ишлари билан фаол қатнашди.

Танловга эъландан ортиқ материаллар тақдим этилган бўлиб, улар орасидан мамлакатимизда олиб борилаётган шиддатли ишохотлар қўламини, мазмун-моҳияти таъсирчан, самимий ҳамда содда тилда акс этган ўндан ортиқ энг яхши мақолалар саралан олинди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, техника фанлари доктори, профессор Баҳриддин Собиров, техника фанлари доктори, доцент Алишер Усмонов, техника фанлари доктори, профессор Илхом Собиров, иқтисодиёт фанлари доктори Одил Абдураҳмонов, биология фанлари доктори, профессор Худойназар Юнусов, педагогика фанлари доктори, профессор Илхомжон Тўхтамонов, физика-математика фанлари доктори Баҳром Абдуллаев, физика-математика фанлари доктори Байрам Муратов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Болтабоев, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Садрдин Худойкулов, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Жанполат Қудайбергенов, кимё фанлари доктори, профессор Фодуржон Мухамедовнинг таҳлилий мақолалари ғолиб деб топилди.

**«Халқ сўзи».**

Абдумуталиб ТҒОЙИРОВ олган суратлар.

## «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорлари диққатига!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки қузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2021 йил 28 декабрь кунини соат 11.00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-ўйда жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**  
1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.  
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.  
«Микрокредитбанк» АТБ қузатув кенгашининг

### ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

2021 йил 3 декабрдаги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 28 декабрь кунини ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 3 декабрь кунини ҳолатига тузилди.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 28 декабрь кунини соат 10.00 дан 10.50 га давом этади. Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома эса нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцада тарзда ўтказилади, бу ҳақда қўшимча маълумот берилди.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юрридаги манзилга ва қўйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти ([www.mikrokreditbank.uz](http://www.mikrokreditbank.uz)) орқали танишиш мумкин.

Телефон: 71-202-99-99 (1316, 1317).

Банк қузатув кенгаши.

## МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ

— Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Конституциямизнинг туб моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва иқтисодий адолат, инсонпарварлик тамойилларини амалда таъминлаш борасида тизимли ишохотлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов. — Ўтган қисқа даврда "инсон ҳуқуқи ва эркинликлари", "қонун устуворлиги", "очиқлик ва ошкоралик", "сўз эркинлиги", "дин ва эътиқод эркинлиги", "жамоатчилик назорати", "хусусий мулк ҳақсизлиги" каби конституциявий қондалар инсонлар ҳаётига чуқур кириб борди.

Кайд этилганидек, "давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзал, иқтисодий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади" деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қиладиган самарали ва барқарор тизим шаклланди.

Парламент конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланишида Конституциянинг роли ҳақида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси асосида демократик ишохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда вакиллик органларининг ролини янада кучайтириш, Олий Мажлисининг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган конституциявий ишохотлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишохотлар, халқимизнинг хоҳиш-иродаси-

дан келиб чиқиб, Конституциядаги қатор нормалар такомиллаштирилди. Жумладан, давлат бошқаруви янада демократлаштирилди, ижро ҳокимиятининг масъулияти оширилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш тартиби белгиланди.

Фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги Конституция нормаларида ўз аксини топди.

Тадбир иштирокчилари конституциявий ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, кўпга давлатларда мамлакат ва жамият тараққиётининг янги босқичида конституциявий ишохотлар амалга оширилганлиги, ишохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан Конституция асосида яратилган ҳуқуқий имкониятлар билан бевосита боғлиқ эканлигини айтиб ўтдилар.

Мамлакатимиз Президенти томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан парламент вакиллари, кенг жамоатчилик, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий Қонунимизни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш кераклигига эътибор қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси эканлигини, у эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон яшашнинг қонуний қафолати бўлиб хизмат қилиб келаётганини таъкидладилар.

Парламент конференцияси якунида тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

7 декабрь – Халқаро фуқаро авиацияси кунини

## ҒУҚАРО АВИАЦИЯСИ ГЛОБАЛ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИГА АЙЛАНМОҚДА

Халқаро фуқаро авиацияси кунини (International Civil Aviation Day) — ҳар йили дунё бўйлаб кенг нишонланади.

1944 йил 7 декабрь кунини АКШ Чикаго шаҳрида 52 давлат иштирокида Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида конвенция имзоланган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 6 декабрдаги резолюцияси билан эса ушбу сана Халқаро фуқаро авиацияси байрами сифатида нишонланиши белгиланди.

ICAO таркибига Доминика ва Лихтенштейндан ташқари, БМТнинг, деярли, барча аъзолари, яъни 191 давлат қиради. Ташкилот қароргоҳи Канаданин Монреаль шаҳрида жойлашган. Инглиз, испан, рус, француз, араб ва хитой тиллари тузилманинг расмий тили ҳисобланади.

Халқаро фуқаро авиацияси кунини байрами нишонлашдан мақсад кенг жамоатчиликка соҳадаги ютуқлар ҳақида ахборот бериш, тармоқнинг давлатлар иқтисодий, иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссасини кўрсатиш, турли қитъа, мамлакат ва маданиятларни ўзаро боғлаш, шунингдек, бутун инсониятга хизмат қилув-

чи тезкор глобал транспорт тармоғини яратишда ICAO роли ҳақида хабардор қилишдан иборат.

Анжуманин ҳар 5 йилда муайян мавзуга бағишлаб ўтказиш анъанага айланган. 2019 — 2023 йиллар учун "Авиациянинг глобал ривожланиши учун инновацияларини жорий этиш" шiori танланган.

1992 йил 12 ноябрда Ўзбекистоннинг Чикаго конвенциясини имзолаши ва ICAO тўлиқ аъзосига айланиши тарихий воқеа бўлди. Ўзбек авиаторларининг фаол саъй-ҳаракати туфайли мамлакатимизда ташкилотнинг стандарти, энг замонавий ва зарур қондалари, ўлов бирликлари, геодезик мувофиқлаштирув тизими ва бошқа муҳим мезонлар жорий этилди.

Халқаро фуқаро авиация ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили дунёда ҳаво йўли орқали 4 миллиарддан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилади. Авиакатнов дунё иқтисодиётига 2,7 триллион доллар даромад келтиради. Тўғри, 2021 йил август ойи якуни бўйича ҳисоб-

ботга эътибор қаратилса, йўловчи ташиш ҳажми 56 фоиз камайган, халқаро йўловчи ташиш эса 63,6 фоиз қисқарган. Бунинг сабаби маълум — COVID-19. Эерне, пандемия оқибатида бутун дунё бўйлаб саёҳат тўхтади. Қурбонлар ва бу офат келтирган зарарнинг ўлчови йўқ.

Ҳар йили турли касаллик, бахтсиз ҳодиса сабаб минглаб одамлар ҳалок бўлади. Авиация соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Шу боис 2021 йил 1 декабрь кунини Испаниянинг Лас-Пальмас шаҳрида авиаҳалокат қурбонлари ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш бўйича биринчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуманда Халқаро фуқаро авиацияси Кенгаши раиси Сальваторе Шақкитано томонидан 20 февраль авиация ҳалокатида ҳалок бўлганларни хотирлаш кунини деб эълон қилинди.

Соҳа ходимларини ушбу сана муносабати билан таъриқлаб, юртдошларимизга ҳавфсиз парвоз тилаб қоламиз!

**Улғубек МАХМИРЗАЕВ,**  
**ЎЗА МУХБИРИ.**

# ҚАЛБЛАРДАН ЖОЙ ОЛГАН ҲАЁТ ҚОМУСИ

Янги Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони ҳаётдан рози қилиш йўлидаги ислохотлардан кузланган мақсад — фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатланган, адолат ҳамда қонун устувор бўлган жамият барпо этишдир.

Сўнгги 29 йил мобайнида Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган ютуқ ва натижалар барчамизга, албатта, юксак ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди. Мамлакатимиз фуқаролари қалбидан чуқур жой олган Бош қомусимиз янги Ўзбекистон ривожини учун асос бўлиб хизмат қилаётгани аини ҳақиқат.

## Фахр

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилаётгани, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ҳамда барқарор тизим шакллантириш асосий вазиғамиз. Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, айниқса, глобал пандемия хавфи остида биз танлаган ушбу тизим ўзини тўлақонли оқламоқда.

Конституциямиз демократия ҳамда ижтимоий адолатга садоқат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган мустаҳкам жамият қуришимизда асос бўлиб хизмат қилляпти. Бундан 29 йил аввал қабул қилинган Бош қомусимиз шахс, жамият ҳамда давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Асосий Қонунимизнинг 18-модда-

сида таъкидланганидек, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатлини замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Ортимизда кейинги йилларда рўй берган улкан ўзгариш ҳамда ислохотлар жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кудрати ҳамда улкан салоҳиятидан далолат беради.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсад қилинган, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият дея эътироф этилгани, тенглик, адолат, мафкура ҳамда фикрлар хилмаҳиллиги, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги,



айбсизлик презумпцияси кабилар Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай соҳа ривожини учун аввало, тартиб-интизом, қонун ҳамда қондаларга риоя қилиш талаб этилади. Бу энг оддий ва ўта муҳим талаб ҳар қандай соҳа ривожини учун асосдир. Жаҳоннинг етакчи давлатлари мисолини олиб

“*Ҳар қандай давлатда умуминсоний ғояларнинг кенг тарқалиши, устувор бўлиши уларнинг Конституцияда акс этганига боғлиқ. Яқин келажакда янги Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кириб, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги барчамизни мамнун этади. Шу билан биргалликда, тенглик, эркинлик, биродарлик ва миллатлараро дўстлик аслида халқимизга хос фазилатдир.*”

қараганда, тинчлик ҳамда осойишталик, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланганлиги, миллатлараро

ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланганлиги ривожланишининг асосий омилли бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳар қандай давлатда умуминсоний ғояларнинг кенг тарқалиши, устувор бўлиши уларнинг Конституцияда акс этганига боғлиқ. Яқин келажакда янги Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кириб, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги барчамизни мамнун этади. Шу билан биргалликда, тенглик, эркинлик, биродарлик ва миллатлараро дўстлик аслида халқимизга хос фазилатдир.

Эътироф этиш лозимки, юртимизда ҳар қимнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатлангани халқимиз тафаккури ва салоҳиятининг юксалишида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бош қомусимизда таъкидланган ушбу билим олиш ҳуқуқи нормасини амалга ошириш юзасидан, айниқса, сўнгги йилларда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, буларнинг барчаси — Юртимизнинг томонидан таълимга берилётган алоҳида эътибор самарасидир. Олий таълим инсоннинг рақобатбардош тайёр кадр бўлиб етишишида жуда муҳим ўрин тутди ва шу жиҳатдан ушбу босқич таълим сифатини ошириш доимий эътибор марказида бўлиб келаётир.

“Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан бошланади”, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу, юртимизда учинчи Ренессанс — миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади. Халқимиз манфаатлари, ҳаётимизнинг барча соҳасини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини илҳомлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш, янада такомиллаштириш заруриятини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этипти.

Бугунги кунга қадар эришилган улкан ютуқлар ҳамда ислохотларга назар ташлар эканмиз, уларнинг фундаментал асоси ва ҳуқуқий негизини Бош қомусимиз ташкил этишини кўрамиз. Демак, Конституциямиз ҳаёт ҳақиқатлари, халқимиз турмуш тарзини ва орзу-умидларига тўла мос келадиган, деб айта оламиз. Бу, ўз навбатида, янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз тараққиёт йўли ва муносиб ўрни борлигини аниқлатади.

**Расул РАҲМОНОВ,**  
Тошкент шаҳридаги  
Вебстер университети ижрочи  
директори.

## Тадқиқот

### БУХОРОДА ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА ФИТОПРЕПАРАТЛАР ЯРАТИЛДИ

Бухоро давлат тиббиёт институтининг Халқ таботати ва касб касалликлари кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан семизлик ва гипертония касаллигини даволашда қўл келадиган “Сино Б” фитопрепарати яратилди.

Таркиби кийик ўти, чилонжийда, арпабодийн сингари доривор ўсимликлардан иборат бу препарат учун “INTEROCO” муаллифлик ҳуқуқи бўйича халқаро депозитарий томонидан патент берилди.

— Буюк аждодимиз Абу Али ибн Синонинг ўлмас таълимоти атрофича ўрганиши янги табиий дори маҳсулотларининг юзага келишига туртки вазиғасини ўтамоқда, — дейди кафедра мудири Шахло Қодирова. — Биз ўзаро ҳамкорлик маҳсули бўлган, семизлик ва сурункали жигар касалликларини даволашда фойдаланиладиган “ГЕПАСИНО” доривор воситаси, юрак фаолиятини яхшилайдиган “SINOCARD” чойи учун ҳам патент олдик. Бундан ташқари, ошқозон-ичак касалликлари, қабзият, буйрак, ўт қопи, қовоқ тоши, бепуштлик ва бошқа шундай касалликларда ишлатиладиган қатор доривор комплекслар яратганмиз. Улар қадоқланган ҳолда тайёрланмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофи таълим, бу дориворларнинг самарадорлиги юқори. Улар тананинг барча органлари ва тизимларига уйғун ҳолда таъсир қилади, синте-

тик дори воситаларига нисбатан арзон.

— Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида халқ таботати соҳасини тартибга солиш чоралари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида халқ таботатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари соҳа равнақи учун дастуриламал вазиғасини ўтамоқда, — дейди Ш. Қодирова. — Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида Бухоро шаҳар ҳокимининг тегишли қарори билан институтимизга 30 йил муддатга 1,12 гектар ер ажратилди. Бу ерда доривор ўсимликлар етиштирилади. Уларни парваришлашда томичилиб суғориш технологиясидан фойдаланилади.


Шунингдек, институт қошида Абу Али ибн Сино таълимоти асосида доривор ўсимликлардан турли юқумли бўлмаган касалликларни даволаш мақсадида оддий ва мураккаб дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мини фармацевтика корхонаси қуриш ҳам режалаштирилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ**  
(«Халқ сўзи»).

Реклама ҳуқуқи асосида



**ИПOTEKA BANK**



**29**  
ЙИЛ

**8**


**ДЕКАБРЬ**

**«ИПОТЕКА-БАНК»**  
**АТИБ**

**халқимизни**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Конституцияси**  
**қуни билан табриклайди.**







Хизматлар лицензияланган.



**QISHLOQQURILISHBANK**

**Barcha yurtdoshlarimizni**  
**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**KONSTITUTSIYASI**  
**QABUL QILGANINING**  
**29 YILLIGI**  
**bayrami bilan tabriklaydi.**

[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz) [t.me/qqbank](https://t.me/qqbank) (78) 150 00 55 1254

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.**  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.00 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6